

Ўрмон хўжалиги агентлиги томонидан 2024 йил давомида амалга оширилган ишлар юзасидан

МАЪЛУМОТ

Ўрмон фонди ерларининг умумий майдони - **12 млн 100 минг гектар**;

Республика **умумий ер майдонидаги улуши - 26 фоиз**;

Ўрмон фонди ерларининг **10 млн 200 минг гектари** (84 фоиз) чўл, **1 млн 640 минг гектари** (13 фоиз) тоғ, **260 минг гектари** (3 фоиз) тўқай ва водий ҳудудларидан иборат.

Ўрмон хўжалиги агентлиги тизимида **66 та** давлат ўрмон хўжаликлари ва **11 та** дориворчиликка ихтисослашган давлат ўрмон хўжаликлари ҳамда **3 та** ўрмон ишлаб чиқариш корхоналари фаолият юритади. Уларнинг умумий ер майдонлари **7 млн 100 минг гектарни** (умумий ўрмон фондининг **58 фоизи**), шундан **10 минг 400 гектари** сувли экин ерлар, **9 минг 100 гектари** лалми ерлар, **2 млн 200 минг гектари** яйлов, **3 млн гектар** ўрмонли ерлар ҳамда **1 млн 800 минг гектар** бошқа турдаги ерлар ташкил этади.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги тасарруфига **9 та** ўрмон-ов хўжаликлари, **7 та** қўриқхоналар, **11 та** миллий табиат боғлари, **6 та** ўрмон тажриба хўжаликлари ўтказилган бўлиб, уларнинг умумий майдони **5,0 млн гектардан** (умумий ўрмон фондининг **42 фоизи**) иборат.

Ўрмон хўжалиги агентигида 2024 йилда барча тадбирларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари (**ПҚ-4850, ПФ-37, ПФ-199, ПҚ-140, ПҚ-436**) асосида амалга оширилиб, қуийдаги натижаларга эришилди. Жумладан:

Янги ўрмонлар барпо этишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш, мавжуд ўрмонзорларни муҳофаза қилиш, қўриқлаш ва парваришлаш натижасида республикада ўрмон билан қопланган майдонлари **3650 минг гектарни** ташкил этиб, ўрмон билан қопланганлик даражаси **8,1 фоизга** етказилди.

Ўрмон фондида самарасиз деб топилган **7 минг гектар** ер майдонлари ўзлаштирилиб, фойдаланишга киритилди.

Республикада экологик вазиятни барқарорлаштириш мақсадида **220 минг гектар** майдонларда **ўрмон барпо қилиш ва қайта тиклаш** тадбирлари амалга оширилди. Ушбу ўрмон экиш ишларининг асосий қисми чўл ҳудудларига тўғри келади. Жумладан, **Орол денгизининг қуриган туви ва Оролбўйи ҳудудларида** қум кўчиши ҳамда атмосфера ҳавосига туз-чанг кўтарилишини бартараф этиш мақсадида жами **215 минг гектар**, шундан, Қорақалпогистон Республикаси Мўйиноқ туманида **112 минг 500 гектар**, Бухоро вилояти Олот туманида **41 минг гектар**, Навоий вилояти Томди, Учқудук туманларида **51 минг 300 гектар** ва Хоразм вилояти Тупроққала туманида **10 минг гектар** майдонда “яшил қопламалар” барпо этилди.

Ушбу ўрмон-мелиоратив тадбирлар учун **1207 нафар** ишчи-ходимлар, **522 дона** техника ва механизмлар, **1 дона АН-2 самолёт** ва **6 дона мотоделтапланлар** жалб этилди.

Жорий ва келгуси йилларда ўрмончиллик ҳамда кўкаламзорлаштириш тадбирлари янада кенгайтириш учун дараҳт ва буталарнинг **1050 тонна уруғлари** жамғарилди.

Барча ўрмон хўжаликларида тупроқ-иқлим шароитларга мос бўлган кўчат етиштириш бўйича **1300 гектар** майдонларда ниҳолхона-кўчатхоналар ташкил этилиб, **127 млн** дона ниҳол-кўчатлар етиштириш йўлга қўйилди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган “яшил макон” умуммиллий дастури доирасида барча турдаги юридик ва жисмоний шахсларга, ўзини-ўзи бошқариш органларига жами 32 млн дона жумладан, соғлиқни сақлаш соҳаси муассасаларига **1 млн 183 минг дона**, мактабгача таълим муассасаларига **1,0 млн дона** кўчатлар етказиб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 29 декабрдаги **ПҚ-422-сон** қарорига асосан республиканинг **чўл, тоғолди ҳудудларида** эрозияни ва ерларни деградацияга учрашини олдини олишга қаратилган **2 минг 500 гектар** майдонларда **ҳимоя ўрмонзорлари** барпо этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги ПФ-46 сонли Фармони талаблари асосида республикамизнинг **134 та** шаҳар ва туманларида **347 гектар** майдонларда “яшил боғлар” барпо этилди.

Шунингдек **“Тошкент-Самарқанд” темир йўлининг Сирдарё вилоятидан** ўтувчи **69 км**, Жиззах вилоятидан ўтувчи **84 км** ҳамда Самарқанд вилоятидан ўтувчи **13 км** қисмида кўкаламзорлаштириш мақсадида ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитига мос кўчатлар экиш ишлари амалга оширилди.

Бундан ташқари, Жиззах вилояти, **Зомин тумани тоғ ва тоғолди ва Суфа** ҳудудларида ҳамда Тошкент вилояти **Бўстонлиқ туманидаги тоғ олди ҳудудларида** тупроқ-иқлим шароитига мос бўлган **манзарали ўрмонзорлар** барпо этилди.

Республикамизда табиий доривор воситаларни етиштиришни кўпайтириш мақсадида доривор ва озуқабоп ўсимликлар плантацияси **5628 гектарга** етказилиб, **9667 тонна** маҳсулотлар етиштирилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 21 декабрдаги қарори талаблари асосида ерларни ижарага беришнинг шаффоғ тизими йўлга қўйилиб, йил давомида **1500 гектар** ер участкалари онлайн-аукцион орқали **409 нафар** жисмоний ва юридик шахсларга **ижарага** берилиб, ижарадаги ер майдонлари **24 минг гектарга** етказилди.

Ўрмон фонди ерларидан самарали фойдаланиши йўлга қўйиш, ўрмон фонди ерларида аҳоли тадбиркорлигини ривожлантириш ҳамда тадбиркорлик субъектлари билан узвий ҳамкорлик йўлга қўйилиб, улар билан биргалиқда **майда шохли чорва** моллари сони **180 минг** бошга, **парранда**

сони **1300 минг** бошга, **асалари** оилалари сони **230 минг** оиласа етказилди ва **31 гектар** майдонда **лимон** етиштириш йўлга қўйилди.

Ўрмонлар барпо этиш, уларни сақлаш ва қўшимча даромадлар олишни йўлга қўйиш мақсадида соҳага **хорижий инвестициялар** жалб қилиш тадбирлари олиб борилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 27 мартағи **ПҚ-140** сонли қарори асосида Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида “Ўзбекистонда барқарор ўрмон ландшафтларини тиклаш” лойиҳасини амалга ошириш бошланди.

Мазкур лойиҳа доирасида жами **205,4 млн доллар** шундан, Халқаро тараққиёт уюшмасининг **142 млн доллары** имтиёзли кредит, PROGREEN траст жамғармаси ҳамда Корея Республикасининг KWPF жамғармаси ҳамкорлигидаги **11 млн доллар** грант маблағлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг улуши **52,45 млн доллар** маблағлар ўзлаштирилади.

Ҳисобот йили давомида жами **7 млн 200 минг долларлик** хорижий инвестиция (хорижий грант)лар ўзлаштирилди. Жумладан, 11 та хорижий грант маблағлар ҳисобидан **3 млн 900 минг доллар** маблағлар ўзлаштирилди.

Соҳада экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш борасида амалий тадбирлар олиб борилиб, **71 минг долларлик** доривор ўсимлик маҳсулотлари **экспорт** қилинди Ўрмон хўжаликлари тизимида олиб борилаётган барча тадбирлар давомида аҳолини иш билан таъминлаш тадбирларига алоҳида эътибор қаратилди. Натижада йил давомида жами **2 минг 200 нафар** шундан, **1 минг 400 та** мавсумий ва **800 та** доимий иш ўринлари яратилди.

Ўрмонларни сақлаш ва ёнғинлардан ҳимоялаш мақсадида **357 та** янги ёнғинга қарши ҳимоя бурчаклари ўрнатилиб, мавжуд **281 таси** таъмирланди. Шунингдек, **14900 та** дан ортиқ ёнғинга қарши курашда ишлатиладиган воситалар тайёр ҳолга келтирилди.

Мазкур тадбирларни 2025 йилда амалга оширишнинг тизимли йўлга қўйиш чора-тадбирлари белгиланган.

2025 йил учун прогноз кўрсаткичлар.

| | | | |
|----|--|-----------|---------------|
| 1 | Ўрмон билан қопланганлик даражасини | % | 10,7 |
| | | минг га | 4100 |
| 2 | Фойдаланишга киритиладиган ерлар | минг га. | 6965 |
| 3 | Ўрмон барпо этиш (яшил қоплама) ва қайта тиклаш | минг га | 253 |
| 4 | Ҳимоя ўрмонзорлари (иҳота) барпо этиш | га | 2700 |
| 5 | Чўл ва бошқа турдаги ўсимликлар уруғларини тайёрлаш | тн | 1501 |
| 6 | Нихол ва қўчатлар етиштириш | млн дона | 123 |
| 7 | Жумладан тут дарахти қўчатларини етиштириш | млн дона | 34 |
| 8 | <u>Доривор, озиқ-овқатбоп ўсимликлар:</u> Маҳсулотлар етиштириш ва тайёрлаш Плантацияларини барпо этиш | тн га | 10002 5886 |
| 9 | Туман ва шаҳарларда “яшил боғлар” барпо этиш | га | |
| 10 | Ўрмон фонди ерларини ижарага бериш | га | 1000 |
| 11 | Хусусий сектор билан майда шохли чорвачиликни ривожлантириш | минг бош | 190 |
| 12 | Хусусий сектор билан паррандачиликни ривожлантириш | минг бош | 1400 |
| 13 | Хусусий сектор билан асаларичиликни ривожлантириш | минг оила | 240 |
| 14 | Хусусий сектор билан лимончиликни ривожлантириш | га | 31,5 |
| 15 | Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш | тн | 30701 |
| 16 | Техника ва механизмлар паркини янгилаш | фоиз | 60 |